Буюртмачи

# Ўзбекистон Республикаси

Тошкент шахар

**«ORDER MAX PROJECT» маъсулияти чекланган жамияти**

Лойиха – смета хужжатларини бажаришга пудрат

## ШАРТНОМАСИ (контракт) № 46

Иншоот: **“Деҳқонобод калий заводи" АЖ худудидаги 2022 йилда янги курилиши, жорий таъмирланиши, янгидан реконструкция қилиниши режалаштирилётган бино ва иншоатлар”.**

Буюртмачи: **“Дехконобод калий заводи” АЖ**

Тошкент шахри – 2022 йил

Рег: NDPP-538/02-22
05.04.2022

**2022 йил № 46 сонли**
**Лойиха-смета хужжатлари тузиш**
**шартномаси**

**« 02» апрель 2022 йил** **Тошкент шахри**

Келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган ва Устав асосида фаолият кўрсатадиган **“Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг** бошкарув раиси **О.А. Курбонов** бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган ва Устав асосида фаолият кўрсатадиган **МЧЖ “ORDER MAX PROJECT”** унинг директори **З. Алижонов** иккинчи томондан, : **“Деҳқонобод калий заводи" АЖ худудидаги 2022 йилда янги қурилиши, жорий таъмирланиши, янгидан реконструкция қилиниши режалаштирилётган бино ва иншоатлар”** лойиха смета хужжатларини тайёрлаш учун пудрат шартномасини туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. “Буюртмачи” топшириғига асосан “Пудратчи” лойиха смета хужжатларини тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. “Пудратчи” лойиха ишларини “корхона, бино ва иншоотлари қурилишига лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш” хақидаги **ШНК 1.03.01-03,** “Қурилишда жорий шартномавий бахоларни аниқлаш тартиби” тўғрисидаги **ШНК 4.01.16-04** ва лойихага қуйиладиган меёрий талабларни қоида ва қўлланмалар асосида бажарилишини таъминлайди.

1.3.Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талабларни бажариш лойихалаш топшириқномасида кўрсатилади.

1.4. Ишларнинг бажарилиш муддати танлов баённомаси асосида белгиланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

1.5. “Пудратчи” махсус лойиха ишларига ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан қўшимча шартнома тузишга хақлидир. Қўшимча шартномаларни тузиш “Пудратчи”нинг зиммасига юклатилган мазкур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарлигидан озод этмайди.

a. Хўжалик шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари**

а) “Пудратчи”нинг мажбуриятлари

2.1. “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган лойихалаш топшириқномаси ва архитектура режалаштириш топшириқномаси асосида лойиха ишларини бажаради.;

2.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича бажарилган ишларни “Буюртмачи”нинг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3. Лойиха ишларини бажарилишини танлов баённомасида кўрсатилган муддатда таъминлайди;

2.4. “Пудратчи” томонидан тайёрланган лойиха асосида хисобланган сметадаги физик иш ҳажмлар, материал ресурслар миқдори тўғрилиги (лойихага мослиги) учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ва ойма-ой бажарилган ишлар тўғрисида “Буюртмачи”га келишилган жадвал асосида хисобот топшириб туради.

б) “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.5. Пудратчига иш хажмларини бажарилишига керакли архитектура режалаштириш топшириқномасини тақдим этади;

2.6. Бажарилган лойиха ишларидан шартномада кўзда тутилган максадда фойдаланади;

2.7. Пудратчи томонидан бажарилаётган лойиха ишлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб боради;

2.8. “Буюртмачи” маблағ билан таъминловчи ташкилотларга бажарилган лойиха ишларининг хажми тўғрисида хисоботларни ўз вақтида топширилишини таъминлайди

## 3. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов (**“Деҳқонобод калий заводи” АЖ**) комиссиясининг 2022 йил «11 » мартдаги «_______» сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланади, ишлар қиймати барча солиқлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда **120 000 000 ( бир юз йигирма миллион)** сумни ташкил қилади.

3.2. “ Буюртмачи” “ Пудратчи” ни мазкур шартнома бўйича олдиндан 15% миқдорида бунак (аванс) маблағлари билан таъминлайди. Бажарилган ишлар учун молиялаштиришнинг қолган қисми мазкур ишлар сифатли қилиб бажарилиб умумий смета бахосидан янги курилиш учун 1.8 %, капитал таъмирлаш ишлари 1.4%, жорий тамирлаш ишлари учун 1% миқдорда хисобланиб, далолатномалар асосида қабул қилингандан кейин босқичма-босқич амалга оширилади.

3.3. “Пудратчи” томонидан ишлаб чиқилган қурилишга сарфланадиган моддий техника ресурслари миқдори ва қурилиш муддати узил-кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, айрим ҳоллар бундан мустасно, яъни:

3.3.1. Ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш қиймати ва муддатини ўсишига ёки шу параметрлардан бирига бартараф этиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор холати) сабаб бўлса.

3.3.2. “Буюртмачи” томонидан иш ҳажмларига ўзгартириш киритилганда.

3.3.3. Ишларни бажариш, хизмати кўрсатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда.

3.3.4. Асослаб берилган ҳолда, юқорида қайд этилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасида қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажариган ишлар ШНК 1.03.01-03 ва “Буюртмачи” томонидан тасдиқланган лойихалаш топшириқ талаблари асосида қабул қилинади.

4.2. “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи” га техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада лойиха смета ҳужжатлари комплектини тақдим этади.

4.3. “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2.- бандида кўрсатилганидек, топшириш-қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларида бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Пудратчи” га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.4. Бажарилган ишларини топшириш-қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларни ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. “Буюртмачи” ушбу ҳолатда “Пудратчи” га амалда бажарилган лойиха ишининг ҳаражатларини мазкур шартноманинг 3.3.2 ва 3.3.4 бандларига асосан амалга оширади.

## 5.Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. 4.3-бандда кўрсатилган хизматларни тақдим этиш муддати бузилганлиги учун ҳақиқий келишув. Бажарувчи харидорга ҳар бир кечикиш куни учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми миқдорининг 0,2 фоизи миқдорида пения тўлайди, шу билан бирга пениянинг умумий миқдори кўрсатилган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

5.2. Амалга оширилган хизматлар учун тўловлар кечиктирилган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,2

фоизи миқдорида пения тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов миқдорининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

5.3. Пенияларни тўлаш тарафларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Томонларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Фуқаролик Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ қўлланилади "Тадбиркорлик субектларининг ҳуқуқий асослари тўғрисида".

5.5 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслари, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

5.6 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (+9978-140-74-48) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.7 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

5.8 «ШНК 1.03.01-03»нинг 1.13 бандига асосан иншоотнинг лойиха-смета хужжатларида кабул килинган техник иктисодий ечимлар, физик иш хажмларининг тугрилиги ва курилиш материаллари учун кулланиладиган бирлик нархларининг тугрилиги ва хакконийлиги учун Лойиха ташкилоти тулик жавоб беришлари, агарда курилиш ишларига тендер савдолари утказилгандан сунг курилиш жараёнида лойиха хужжатларида аникланган хато ва камчиликлар киймати аникланса, ушбу камчиликларни тугрилаш учун кетадиган барча харажатлар лойиха ташкилотлари томонидан тулик копланилади.

5.9. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунининг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.10. Томонлар уртасида низолар ва келишмовчиликлар юз берган холатларда жавобгар томон жойлашган худуддаги хужалик судига мурожаат килинади.

## 6. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холати (форс-мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабаблар содир бўлган бўлса, хамда бу холат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома (контракт) бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартараф бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, "Пудратчи" ва "Буюртмачи" ишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни мухокама қиладилар.

Агар томонлар 2 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига асосан белгиланади.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзолангандан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча хақиқий хисобланади.

8.2. мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2021 йил.

8.3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## 9. Низоларни хал этиш тартиби ва хуқуқий экспертизаси

9.1. Шартноманинг мазмуни уни тузишга тайёрлаш жараёнида юридик хизмат субъектлари ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонунчиликка мувофик келиши текширилган бўлиши даркор. Уларнинг имзосисиз ёки хулосасиз шартнома тузилишига йўл қўйилмайди.

9.2. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келган бахслар қонунчиликда белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан қараб чиқилади.

## 10. Шартноманинг коррупцига қарши қисми

10.1. Жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризимни молиялаштиришнинг халқаро хужжатларда назарда тутилган коррупцияга ва ушбу хуқуқбузарликка қарши курашиш қонун хужжатларига кура давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўз ўзини бокариш органи ходимининг пора олиши, тижоратда пора олиш ёки пора беришда иштирок этиш каби харакатларни рад этиш, шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар амалдаги коррупцияга қарши кураш тўгрисидаги қонунчилик талабларига риоя этадилар, кафолтлашда узлари, шу жумладан ходимлар, афилланган шахслар, бенефициарлар ва бизнес шериклар, воситачилар, пудратчилар, пудратчилар ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар ушбу қонунга зид равишда харакат килмаслигини таъминлайдилар;

10.2. Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлигини ва очиқлиги тамоилларига зид болган максадларда уларга таъсир ўтказувчи хар-кандай шахслар, томонлар тўгридан-тўгри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахс оркали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, суровлар, пул бошка қимматбахо буюмлар, мол-мулк, хуқуқи ёки бошка моддий ёки номоддий фойдаларни олишга, асоссиз устунликка эришиш ёки бошка ноқонуний мақсадларга эришишда розилик беришдан воз кечадилар;

10.3. Томонлар ушбу харакатларнинголдини олиш чораларини куришни кафолатлайдилар. Томонлар қонун бузилишига оид гумонларнинг пайдо булиши ёки шартнома доирасида улар томонидан жалб килинган томонлар, ходимлар, фойда олувчилар, каффилланган шахслар ёки бошка шахслар томонидан бузилиш эхтимоли борлиги тугрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган холда) бир-бирларини ёзма равишда очик ва дархол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

Шунингдек агар томонлардан бири асосланган холда ёки шубха остидаги бошка томон, унинг ходимлари, бенефициарлари , шериклари ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган бошка шахслар томонидан амалдаги конунларнинг ва ёки ушбу Шартноманинг коррупцига карши коидалари бузилган булса, ушбу томон унга ёзмаравишда сўров юборишга хақлидир. Талабнома келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида

конун бузилиши фактни рад килувчи ёки тасдикловчи изохлар ва маълумотлар/хужжатларни такдим этиш талаби билан мурожаат этиш хуқуқига эга.

10.4. Томонлар, агар томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган болса, шунингдек бошка томон бузилиш содир болмаганлигини ёки содир болмаслиги тугрисида тасдиқ олмаган булса ва томон коррупция хавфини камайтириш буйича чора-тадбирларни малга оширган булса, бошка томон ушбу битимни бир томонлама бекор килиш, шунингдек унинг бажарилишини тухтатиб туриш хуқуқига эга.

10.5. Ушбу бобга корсатилган асослар буйича Шартнома бир томонлама бекор килишни томон томонидан етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бужган томон Шартномани белгиланган бир томонлама бекор килиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга хақли эмас.

10.6. Агар келишув буйича томон Компания ходимларининг хатти-харакатларига, ушбу шартномага ва амалдаги конунчиликка, шу жумладан коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этишга мажбурлаш фактларига дуч келса, томонлар бу хакда коррупцига қарши қоидаларга зид булганлиги тухрисида қуйидаги алоқа каналларидан бири томонидан хабар бериш шарт

- +99875 552- 42- 54 ракамли «Ишонч телефонига» огзаки мурожаат қилиш;
- Жамиятнинг расмий веб-сайти оркали sgcc.uz;
- Жамиятнинг почта манзилига ёзма мурожаат орқали.

**Томонларнинг реквизитлари**

**БУЮРТМАЧИ:**
***"Дехқонобод калий заводи" АЖ***
Манзили: Дехқонобод тумани
Тел.75 612-50-15 факс 75 612-50-00
ИНН 206887857 ОКОНХ 13116
Банк: Уз.П.С.Б Қарши шахри
х/р 20210000904620443001

**Бошкарув раиси** **О.А.Курбонов**

**Ижрочи**
**ООО "ORDER MAX PROJECT"**
Манзил: г.Ташкент, Алмазарский р-н, ул. Дилсарой дом № 1 "Д"
тел: 97) 760-84-32
Р/с 2020 8000 9005 0223 6001
Банк: "Orient Finans"
Амалиёт бошқармаси,
МФО: 01071; ИНН: 303456062;
ОКЭД :71110; Код НДС: 326050108473
**Директор** **З. Алижонов**

| | | | |
|---|---|---|---|
| JM HAMKOR LOYIHASI MCHJ | 43 | 26.67 | 69.67 |
| XIMTEX-INVEST-KARSHI MCHJ | 30.5 | | 30.5 |
| "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 40 | 40 | 80 |
| ORDER MAX PROJECT MCHJ | 46 | 50 | 96 |
| OOO TOSHTEMIRYO`LLOYIHA | 47.5 | 27.27 | 74.77 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 27837 от 11.03.2022 года на приобретение Жамиятимиз худудида жойлашга бино ва иншоатларни жорйи таъмири ҳамда қурилиши режалаштирилаетган объектларнинг лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

ORDER MAX PROJECT MCHJ
303456062

и резервный исполнитель: "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302582802)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| Член комиссии | OSTANAKULOV ALISHER BUXAROVICH | Согласен | |
| Член комиссии | UMAROV ALISHER ARIBJANOVICH | Не согласен | камчиликлар мавжуд |
| Член комиссии | MUXAMMADIYEV SHAVKAT YULDASHEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | CHORIYEV DILSHOD DAVLATOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | JUMAYEV SAMARIDDIN ZIYADULLAYEVICH | Воздержался | Хужжатларда камчилик борлиги учун |
| Член комиссии | ZARIPOV TO`LQIN ERGASHEVICH | Согласен | |
| Председатель комиссии | Туракулов Рустам Одилович | Не согласен | Хужатлардаги камчиликларни бартараф килиш керек |
| Член комиссии | MEYLIYEV UKTAM ULASHEVICH | Согласен | |
| Член комиссии | XALTURAYEV SIRAJIDDIN XOLMAXMATOVICH | Не согласен | Техник топшириқнинг 12-бандига оид энг яхши таклифни танлаш имкони мавжуд эмас. Шунга кўра техник топшириқни қайта кўриб чиқиш ҳамда таклифларни баҳолаш мезонларини пухта ишлаб чиққан ҳолда қайта эълон жойлаштириш таклиф этилади. |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ORDER MAX PROJECT"
Маъсуляти Чекланган
Жамияти

Общество с ограниченной
ответственностью
"ORDER MAX PROJECT"

ORDER MAX
PROJECT

Ташкент ш. Олмазор тумани, Дилсарой кучаси, 1 «Д» уй, Х/р: 2020 8000 9005 0223 6001 Банк:"Orient Finans"
Амалиёт бошқармаси, МФО 01071 ИНН: 303456062 ОКЭД: 71110 тел: +(99897) 760 84 32.

№ 69 от 02.04.2022 г.

*АЖ "Дехконобод калий заводига"*

**МЧЖ "ORDER MAX PROJECT"** корхонаси **"Деҳқонобод калий заводи" АЖ** худудидаги 2022 йилда янги қурилиши, жорий таъмирланиши, янгидан реконструкция килиниши режалаштирилётган янги қурилиш объектлари, капитал ва жорий таъмирлаш ишларига лойиха смета хужжатларини тайерлаб бериш учун қуйидагича кўринишда тижорат таклий берамиз:

- Янги курилиш объектларига смета бахосидан **1,8% (фоиз)**
- Капитал таъмирлаш ишлари цчцн смета бахосидан **1,4% (фоиз)**
- Жорий тахмирлаш ишлари учун смета бахосидан **1,0% (фоиз)**

*ГИП* ______________________ *Маттмуратов У.*

*Директор* ______________________ *Алижонов З.М*